

МИЛЛИЙ ТУЙҒУЛАР ЖИЛОСИ

*Ўзбекистон психологлар ассоциацияси аъзоси,
Чирчиқ ОТҚМБЮ “Ҳарбий психология”
кафедраси ўқитувчиси
Эргешов Махмуд Мислимович*

Ҳис-туйғу-бу борлиқни ўзига хос акс этиши бўлиб, унда инсоннинг оламга субъектив муносабати акс этади. Ҳис-туйғу психик жараён бўлиб, унда инсонни борлиққа ўзининг шахсий ички субъектни муносабатини акс этади.

Миллий туйғу этнопсихологик ҳусусиятларини ташкил этувчи компонентлар ичida нисбатан кам ўрганилган соҳа ҳисобланади. Ижтимоий ходисалар ичida миллий туйғу ўзининг келиб чиқиши билан узоқ ўтмишга бориб тақалади. Шунинг учун уни ўрганишда ниҳоятда эҳтиёткорлик зийраклик билан иш олиб боришлик талааб этилади.

Миллий туйғулар асосида миллий манфаат ва эҳтиёжлар, айниқса, унинг муваффақияти ёки муваффақиятсизлигини тинчлиги ва нотинчлигини таъминловчи нарсалар ётади. Миллий туйғулар кишининг миллий воқеликдаги барча нарса ва ходисаларга миллий жараёнларга, она табиат ва заминга, шунингдек ҳалқнинг тарихи ва маънавий меросига миллий қадриятларга бўлган муносабати шаклида намоён бўлиб миллий маънавий ҳаётида катта аҳамиятга эгадир. Миллий туйғунинг таъсирчанлиги, айниқса, зеро ҳар бир ҳалқнинг миллий ҳусусиятлари тил орқали ўз ифодасини топади [4.20-486]. Миллий тилга бўлган муносабатнинг салгина бўлса ҳам бузилиши ҳалқлар ва миллатлар ўртасидаги муносабатларга катта зарап етказади.

Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик туйғуси одамнинг қалбида табиий равишда тугиладигандек туйилади. Аслида туйғуларнинг ҳам шаклланишида маълум таълим-тарбиявий тадбирларга эътибор бериш зарур. Инсон ўзлигини англагани насл-насабини билгани сари юрагида ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб юксала боради. Бу илдиз қанча чуқур бўлса, туғилиб ўсан юртга муҳаббат ҳам шу қадар чексиз бўлади [2.80 б]. Бунда айниқса она тилига бўлган муносабат етакчи ўринда бўлади, чунки «Она тили-бу миллатнинг руҳидир, ўз тилини йўқотган ҳар қандай миллат ўзлигидан жудо бўлиши муқаррар».

Миллий туйғулар хилма-хил бўлиб, унга ахлоқий, эстетик, интелектуал ва майший туйғулар киради. Улар ватанпарварлик, миллий ифтихор, ҳамкорлик, хайриҳоҳлик ёки ғаразгўйлик, душманлик каби кўринишларда ўз ифодасини топади. Ватанпарварлик ва ўз она табиатига меҳр-муҳаббат туйғулари, миллий туйғуда муҳим ўрин тутади. Ватанпарварлик асрлар ва минг йиллар давомида биргаликда яшаган этник гурухда шаклланган энг чуқур туйғулардан биридир. Етук ватанпарварлик туйғуси

махаллий, худудий парчаланишлар ва турли-туман майда этник тафовутлар тугатилиб, элат ва миллатларнинг шаклланиши жараёнида вужудга кела бошлайди [4. 37 б].

Хақиқий ватанпарварлик деб кўрсатган эди, америкалик этнопсихологлар Б.Гонний ва В.Жеромлар, фақат халқи ва ватанининг жаҳон миқёсида тутган мавқедан фахрланиш билангина намоён бўлмайди. Миллат ҳаётида шундай даврлар ва холатлар бўладики бунда хақиқий ватанпарварлик туйғуси уялиш ва орланиш билан тўлиб тошиши мумкин. Дарҳақиқат, миллатнинг ўқимишли вакиллари, зиёли ва олимлари, ёзувчилари миллат ҳаётига, миллий жараёнга теран объектив кўз билан қараб, миллат ҳаётидаги айrim камчилик ва нуқсонларини рўй-рост айта олишган, танқид килишган. Таниқли ўзбек маърифатпарвари Абдулла Авлоний «Туркий гулистон ёки ахлоқ» китобида бундай ёзади: «Бизлар на учун ҳаракат қилмаймиз, қимирламаймиз? Бошқа миллатларни ўғиллари, қизлари кеча демай, кундуз демай, ёз демай, қиши демай илм йўлида жонларини фидо қилиб, қовушиб, югуришиб, кўзларимизни қамаштириб турган бир замонда, бизлар ҳамон уйқудан жаҳолатдан бошимизни кўтармаймиз, ибрат олмаймиз»...

Социал-иктисодий шарт-шароитларни ўзгариши билан кишиларда ўз халқига, она тилига она тупроғига бўлган меҳр-муҳаббат туйғулари йўқолиб кетмайди. Лекин айrim одамларнинг фикрича хозирги кунда одамларни она табиат ва атроф-муҳитдаги географик ва маданий нарсалар қизиқтирумай қўйди. Ватан энди уларга фақат яшаш, пул топиш, бойлик орттириш учун хизмат қиладиган макон бўлиб қолди, деган космополитик ғояларни тарғиб қилмоқчи бўлади, яъни улар “Бедананики қаерга борса питпилдик” деган нақлидек қаерда ҳаёт яхши бўлса, одам ўша ерга интилади. Ватан, ватанпарварлик туйғулари эскирган, қолоқ тушунчалар, деб исботлашмоқчилар. Бу билан улар бир неча минг йиллар давомида яратилган миллий маданиятни кадрсизлантиришга кишиларни ватанпарварлик туйғуларини йукотишга ўз Ватанини бошқа халқ ва миллат тазиқидан ҳимоя қилмаслик каби ярамас ғояларни одамлар онгига сифдирмокчи бўлишяпти [3. 43 б].

Тўғри ривожланган мамлакатларда иқтисодий интеграция мавжуд. Европа ягона пул бирлиги-Еврони яратиш чегаралардан ягона паспорт бўйича ўтиш ва ҳакозо. Ижобий жараён, лекин бу Ватан, ватанпарварлик туйғуларини йўқ қилиб юбормайди.

Муқаддас Ватан учун жонини фидо этишга тайёр туриш кишининг юксак ахлоқийлигидан далолатдир. Ватанпарварлик қадимий туйғулардан ҳисобланади.

Мусоғир юртларда яшаб ишлари юришиб кетган одамлар ҳам ўз баҳтини фавровонлигини камдек кўради. Чунки унга Ватан соғинчи тинчлик бермайди. Бутун қалби билан Ватанга интилади. Фақат нафсини ўйлайдиган одамларда ватанпарварлик туйғуси бўлмайди. Улар бир жойдан иккинчи жойга, бир юртдан бошқа юртга осонгина

күчіб ўтаверадилар. Улар қаерга борсам, барибир кунимни күравераман, деб ўйлаб, яшашдан мақсад ўз нафсларини қондиришдан иборат, деб биладилар.

Миллий туйғулар күпинча миллий ифтихор сифатида намоён бўлади. Лекин шунинг билан биргаликда ўз миллатини ортиқча кўкларга кўтариш, унинг қандайдир бошқа халқларда бўлмаган фазилатлари тўғрисида «куйиб-пишиб» таъкидлаш, ўз халқини бошқа халқларга қарама-қарши қўйиши бошқа халқларга нисбатан менсимаслик рухини келтириб чиқариши мумкин.

Миллий туйғулар ва кайфият миллат вакилларининг жипслашуви ва иродасини намоён бўлишида катта рол ўйнайди. Миллатнинг биргалигида, миллий туйғу, миллий қизиқишишларнинг умумийлиги, тарихий ходисалар ва миллий қадриятлар меҳр-муҳаббат, миллий ифтихор туйғулари сифатида намоён бўлади.

Идрок этилаётган вокелар ва ташқи оламдаги нарсаларни билишдан вужудга келадиган ҳиссий-рухий реакция турли халқларда ўзига хос равишда намоён бўлади. Этнос яшаётган турфа хил табиий шароитлар - ўрмон, чўл, даштлик, тоғ, сув ҳавзалари, водий ва воҳалар, шунингдек, тарихий тараққиётдаги ўзига хослик халқларнинг идрок этишига ўз таъсирини кўрсатади.

Миллий дид - бу халқ ва миллатнинг кўпчилик вакилларида тарихий жиҳатдан вужудга келган гўзаллик ва ҳунуклик тўғрисида бериладиган баҳодир. Миллий дид ўзида миллий ўзига хосликни мужассамлантирган бўлиб, ҳиссий ва руҳий жиҳатдан миллий психологик қиёфанинг характерли хусусиятларидан бири сифатида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам уни халқ ҳаёти ва турмушидан ажратиб тушуниб бўлмайди [5. 128 б]. Маълум миллий муҳитда яшаб ва вояга етар экан ҳар бир шахснинг руҳий хусусиятлари миллатнинг психологик хусусиятларидан “кўчирма” олади. Шахс аждодлар томонидан тўпланган маданий меросларни ўзлаштириб боради ва уни ўраб турган миллий замин таъсири остида унда атроф-муҳит, иқлим шароитлари, наботот ва ҳайвонот оламини идрок этишга нисбатан маҳсус дид ва ҳис-туйғулар шаклланади.

Одам энг аввало уни илк болалик давриданоқ ўраб турган, унга ҳар кун, ҳар соат сайин таъсир этиб турган, унинг амалий мақсадлари ва моддий эҳтиёжларини қондирадиган нарсаларнинг хусусиятларини бошқа халқ ваклларига нисбатан чуқурроқ идрок этишга ўрганади. Шунинг учун ҳам табиат ва жамиятдаги бирор нарса ва ҳодиса бир миллат ва элат вакилларида кучли ҳиссий-рухий реакцияни келтирган ҳолда, бошқа миллат ва элат вакиллари учун бефарқ бўлиб қолиши мумкин. Масалан, чўл қозоқ халқи учун бир неча юз йиллар мобайнида ҳаёт кечириш манбаи, уларнинг табиий бойлиги бўлиб келган. Шу боисдан қозоқ халқида уни идрок этишга нисбатан ўзига хос дид вужудга келиб, чўл чуқур хурмат билан куйланиб келинади. Қозоқ халқининг атоқли

ёзувчиси М.Ауэзов ўзининг “Абай” романида Абайнинг чўлга бўлган меҳр-муҳаббатини бундай тасвирлайди: “Абай ўзи туғилиб ва болалиги ўтган атроф-оламга-чексиз чўллар, кенгликлар, тепаликларга меҳр ва ҳаяжон билан қараб турар, буларнинг ҳаммасини у қучгиси ва бағрига босгиси келар эди” [9. 21 б].

Денгиз ва океан ёки ўрмон ва водийларда яшаб ўсган одамлар учун чўл манзараси ҳеч қандай ижобий хиссиёт туғдирмаслиги, аксинча, зериктирувчи таъсир этиши мумкин.

ХХ асрнинг йирик ёзувчиси Ч.Айтматов асарларини ўқисак, унда қирғиз ва қозоқ халқларидағи одатни - қиз олиб қочиш ҳодисасини кўрамиз. “Сомон йўли” қиссасида Қосим ўз овулига қайтишида севгани Алимани олиб кетади. “Сарв қомат дилбарим” да Ильёс Асални, “Жамила” да Дониёр Жамилани ўзи билан олиб қочиб кетади [3. 75 б].

“Киз олиб қочиш” удуми гурухий никоҳнинг барҳам топиши ва экзогам никоҳга ўтиш даврида вужудга келган, деб ҳисобланади. Гурухий никоҳда уругдаги барча аёллар шу гуруҳдаги барча эркакларга тегишли бўлган. Бошқа гуруҳдан бегона эркакнинг аралashiши қаттиқ тақиқланган ва жазоланган Экзогам никоҳга ўтиш билан уруғдаги аёлларга бошқа гуруҳдаги эркаклар эгалик қила бошлайди. Аёл мансуб бўлган гуруҳдаги эркаклар бу ҳуқуқдан маҳрум бўляпти. Албатта бу хил психологик ҳолат-стереотипнинг бузилиши эса осонлик билан бўлмайди. Агар бу стереотип бир неча асрлар давомида шаклланган ва амал қилиб келинган бўлсак, уни бузилиши учун ҳам маълум вакт керак бўлади. Шунинг учун аёл мансуб бўлган уруғ эркаклари қуда томон билан келишилган ҳолда, уларга қизни олиб қочиш учун имконият беришган. Маълум вақтдан кейин “сезиб қолишгач”, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун “рақибларини” қувишга, шу йўл билан ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш амалларини қилишган. Кейинчалик бу нарса урф-одат тусини олган [3. 89 б].

Албатта бундай анъаналарга эга бўлмаган халқлар учун бу хил хатти-харакатлар ғайри табиий кўриниши мумкин. Лекин ҳар бир урф-одат ва анъаналарнинг вужудга келишида юқорида айтганимиздек, маълум иқтисодий, ижтимоий омиллар таъсир этган бўлади. Масалан, Марказий Осиёда яшайдиган кўчманчи ва ярим кўчманчи халқларда қиз олиш учун жуда катта микдорда “қалин” тўлаш керак бўлган. Бунинг натижасида айрим йўқчил кишилар бутун умр бўйи уйланмасдан қолиб кетган ҳолда, моддий жиҳатдан бақувват кишиларнинг бир нечтадан хотини бўлган. Иқтисодий, сиёсий тенгсизлик ҳукм сурган даврларда севишиб бир-бирига талпиниб турган икки ёш қандай қилиб бўлса ҳам бир-бирига етишиш учун юқоридаги чорани қўллашга мажбур бўлишган. Ҳозирги кунда иқтисодий, сиёсий тенгсизлик барҳам топган даврда қиз олиб қочиш учун ҳеч қандай зарурат қолмади. Лекин у этник анъана сифатида сақланиб қолган [4. 91 б].

Миллий эстетик диднинг ўзига хослиги эса, миллат маънавий ҳаётнинг қўп соҳаларида намоён бўлади. Айниқса, улар меъморчилик курилишларида, тасвирий санъатда, мусиқада, рақсларда, адабиётда, миллий кийимларда ва унинг безакларида, аёлларнинг хушрўйлигига ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларида тўла ўз ифодасини топади [6. 48 б].

Гўзаллик табиатда ва жамиятда объектив жиҳатдан мавжуд. У объектив ва субъектив идрокнинг умумлашмаси сифатида турли миллатлар томонидан ўзига хос равишда идрок ва тасавур этилади.

Австралиядаги айрим қабилалар ўз қизларининг кўзларини ёшлиқданоқ ғилай қилишга ҳаракат қилиб, бош кийимининг чекка томонига ялтироқ нарса осиб қўйишар экан. Чунки бу ерда ғилай кўзли аёл гўзаллик белгиси ҳисобланади.

Россия подшоси Анна Ионавна саройига балга таклиф қилинган Хитой элчилари, маликанинг шу ерда ҳозир бўлган хонимлардан қайси бирини улар энг гўзал, деб ҳисоблайдилар, деб берган саволига Петр I нинг қизи Елизавета (бўлажак подшо) ни афзал кўрганликларини айтишади. Елизавета дарҳақиқат, жуда гўзал бўлган. Буни ҳамма замондошлари бир оғиздан эътироф этишган. Лекин элчилар назокатлик, Шарқ халқларига хос бўлган хушмуомалик билан, агар Елизаветанинг кўзи шаҳло бўлмай, сал қисиқроқ ва камбарроқ бўлганда эди, у ўз гўзаллиги билан ягона ва ҳар қандай кишини бир қарашда хушини олиб қўядиган бўлар эди, деб қўшиб қўйганлар.

Кейинги ўн йилликлар давомида мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида содир бўлган иқтисодий, сиёсий ўзгаришлар натижасида мавжуд бўлган табъ ва дидлар ҳам ўзгара бошлади. Бу моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ соҳаларга дахлдордир. Халқимизнинг кийиниши, таомлар тайёрлашида миллий андозалар билан бирга бошқа халқлардан кириб қолган янги таомлар, ширинликлар ва уст-бошлар ҳисобига ўзгариш бўлди. Буларнинг ҳаммаси миллий дидга ўз таъсирини кўрсатади.

Этнопсихологиянинг хилма-хил хусусиятларини уларнинг объектив жиҳатдан намоён бўлиши орқали ўрганиш мумкин. У ёки бу халқقا хос психологик хусусиятларни ўрганишни, барча етакчи тадқиқотчилар аввало уларнинг маънавий ижодиётини таҳлил қилишдан бошланганлар. Чунки халқ ўз тарихини, турмуш тарзини, орзу-истакларини моддий ва маънавий маданият намуналарида акс эттириб келган [7. 49 б].

Ижтимоий - сиёсий, табиий географик шарт шароитлар дастлаб кишиларнинг ҳис - туйғуларида, табъ ва дидларида, фикр ва характерларида, яъни уларнинг миллий психологик хусусиятларида акс этиб, ундан кейин миллий маданиятнинг ўзига хос хусусиятларида нақшланиб қолади. Шунинг учун ҳам миллий маданиятда шу халқнинг табиат гўзалликларини қандай идрок этиши, ижтимоий тартиблари, тарихий

тараққиётнинг турли даврларидаги түйғу ва истаклари, мушоҳада қилиш усули ва харкети акс этади. Бу хусусиятлар маданиятда мустаҳкам ўрнашиб, шу миллатнинг ҳозирги вакилларига ва келажак авлодларга аждодларнинг рухий хусусиятлари тўғрисидаги информация сифатида доимо таъсир этиб туради.

Чет эл этнопсихологлари этнопсихологик хусусиятларни ўрганишда, айниқса, бадиий адабиётдан кўп фойдаланишган. Адабиётда характерлар типик ҳолатда, уни шакллантирувчи ҳамма шарт-шароитларни очиб кўрсатган ҳолда тасвиранади. Америкалик этнопсихологлар Д.Макгренехен ва А.Уэйнлар немис ва америкаликларнинг этнопсихологик хусусиятлари Германия ва АҚШ да бир неча йиллар давомида қўйилиб келаётган 45 та мушҳур пьесада қандай намоён бўлганлигини аниқлашган. Текшириш якунларини таққослаб, ажойиб натижаларга дуч келишган. Пьесаларнинг сюжети қуидаги беш мавзу: севги, ахлоқ, идеалларни яратиш, ҳокимият учун кураш, мансабпарамастлик ва ҳуқук қайдаражада ёритилган бўлишлигига қараб ўрганилган. Текшириш якунлари қуидагича бўлган:

1. Идеаллик, фалсафий ва тарихий мавзулар немис пьесаларида америка пьесаларига қараганда кўпроқ ёритилган;
2. Немис пьесаларидаги қаҳрамонлар жамиятдан устун туришга ҳаракат қилган ҳолда, америка пьесаларидаги қаҳрамонлар оддий кишилар бўлиб кўринишга ҳаракат қилишади;
3. Америка пьесаларига аёллар образи немис пьесаларидагига қараганда кўпроқ киритилган;
4. Америка пьесаларида ахлоқий тенденциялар, немис пьесаларида идеал тенденциялар ҳукмрон бўлган;
5. Ҳар иккала мамлакат пьесаларида ҳам ҳокимиятдан норозилик кайфияти ҳукм сурган.

Ҳар бир ҳалқда эстетик идрок қилиш ва ҳиссий ҳолатларни кечириш ўзига хос равища ўтади. Агар ўзбек адабиёти ва санъатида асосан кўм-кўк водий ва воҳалар, серунум далалар, дехқончиликнинг асоси бўлган сув, паҳтакор дехқоннинг машаққатли ва олижаноб меҳнати куйланса, қўшни қозоқ ва қирғиз санъатшунослари бепоён чўл-адирларнинг фусункорлиги, чўпон ва йилқичиларнинг меҳнати, Олой тоғларининг гўзаллиги тўғрисида куйлашади. Чунки ҳар бир киши учун дунёга келган кунидан бошлаб, унга бутун умр бўйи ҳамроҳ бўлиб турган нарсалар гўзал бўлиб кўринади. Академик А.П.Баранников ўзининг “Ҳинд поэзиясининг тасвирий усули”, деган тадқиқотида, ҳинд поэзиясида турли ҳайвонлар, айниқса, сигир, фил, асалари кабиларнинг образлари кўп учрашлигини кўрсатади. Маълумки, Ҳиндистонда сигир меҳр-мухаббатга

лойиқ ҳайвон сифатида эъзозланади. Энг гўзал аёлларни, ҳатто маликани ҳам мақташганда сигирга тақлид қилишади.

Миллий туйғулар, кайфият ва темперамент айниқса, миллий рақсларда ва мусикада ёркин намоён бўлади. Айни санъатнинг шу турларида, айрим тадқиқотчилар айтган “кўлга тушмас” ва “англаш қийин бўлган” этнопсихологик хусусиятлар “мана, мен”, деб кўзга яққол ташланади. Зоро, рус ҳалқ куйини хинд мусиқасидан, ёки ўзбек раксини украин ҳалқ рақсидан фарқлаш учун санъатдан ўткир билимга эга бўлиш зарур эмас.

Этнопсихологик хусусиятлар ҳалқ ҳаётининг бутун борлиғида намоён бўлибгина қолмасдан, шунингдек, шу миллатга мансуб бўлган шахсларнинг кундалик муомаласида, ҳати-харакатларида ҳам маълум даражада ўз ифодасини топади. Чунки ҳар бир инсон боласи маълум бир Ватан фарзанди, шахс сифатида маълум бир жамият меваси. Бизнинг дунёни билишдаги турли-туман тасаввур ва тушунчаларимиз ҳам шу жамиятнинг ва этник муҳитнинг бизга кўрсатаётган таъсири остида вужудга келган. Манашу ўзига хосликни ўрганиш ва тушунтириб бериш этнопсихология фанининг асосий вазифалариданdir.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. И. Каримов. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1997 й.
2. И.Каримов “Юксак манъавият-енгилмас куч” Т-2008 й.
3. Маматов М.М. Этнопсихология. Маъruzalар матни. Т., 2003.- 85 б.
4. Ботиров Б.М. Миллий характер ҳусусиятлари маданий детерминациясини ўрганишнинг илмий-методлогик муаммолари. Педагогик таълим, № 1/2009 й, 31-36 б.
5. Ботиров Б.М. Миллий характер ҳусусиятларитадқи тарихидан. Педагогик таълим, № 2/2009 й, 126-132 б.
6. Алимов Х. Миллий ва ижтимоий рухият. Т.: “Ўзбекистон”, 1992 й.-70-б.
7. Акрамова Ф.А. Ижтимоий психология. Т.: ТДПУ, 2004 й., 89 б.
8. Фозиев Э.Г. Муомала психологияси. Т-2001 й.
9. М.Ауэзов. Абай, Т-2001.